



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2023

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


| | |
|---|----|
| 1. Зайнаб Абидова ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА МЕЪМОРИЙ ТУЗИЛИШИ..... | 4 |
| 2. Гулзода Алимова АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИНИНГ ТАРИХНАВИСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ..... | 11 |
| 3. Дилорам Бабажанова АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ – ЎРТА АСР БУЮК ДАҲОСИНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МАЪНАВИЙ ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ..... | 18 |
| 4. Iqbol Jabbarova QASHQADARYO VOHASIDA IRRIGATSIYA INSHOOTLARI QURILISHI, YERLARNING SUG‘ORILISHI TARIXI..... | 26 |
| 5. Дилнавоз Рахматова “ПАХТА ИШИ” СИЁСАТИДА ҚЎШИБ ЁЗИШ ОПЕРАЦИЯСИ СЦЕНАРИЙСИ..... | 33 |
| 6. Сохиба Сулайманова СУҒД ВОҲАСИДА ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ БОШҚАРУВИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСУЛЛАР..... | 38 |
| 7. Икромжон Умаров СУРҲОН ВОҲАСИДА РУС КАПИТАЛИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ..... | 45 |
| 8. Акмал Менглибоев СУРҲОНДАРЁ ОКРУГИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИ ТЎХТАТИШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЧОРАЛАР..... | 65 |
| 9. Firyuza Muxitdinova DUNYO OLIMLAR TANLILIDA ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ILMIY MEROSINING O‘RGANGANLIK HOLATI VA AHAMIYATI..... | 76 |
| 10. Нигина Султонова БУХОРО МИЛЛИЙ ЛИБОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ..... | 83 |
| 11. Одилжон Хамидов БАКТРИЯ САТРАПЛИГИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ..... | 89 |
| 12. Nodira Hasanova SO‘NGGI O‘RTA ASRLARDA O‘RTA OSIYODA HUNARMANDCHILIK MARKAZLARINING TAKOMILLASHTIRILISHI..... | 95 |



Зайнаб Абидова,
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, PhD
email: zaynab_74_2011@mail.ru

ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА МЕЪМОРИЙ ТУЗИЛИШИ

For citation: Zaynab Abidova. HISTORICAL FORMATION AND ARCHITECTURAL STRUCTURE OF THE PILGRIMAGE PLACES OF THE KHORAZM OASIS. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 8, pp.4-10

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8217924>

АННОТАЦИЯ

Мақола Хоразм зиёратгоҳларидаги мақбараларининг меъморий ечимлари ва тарихий шаклланишига маҳаллий халқнинг мифологик олами, дунёқараши ва анъаналари ҳамда географик муҳитни таъсирини ёритишга бағишланган. Мақолада Хоразм меъморчилиги бошқа худудлар меъморчилигидан географик жихатдан фарқланиши кенг ёритилган. Шунингдек, мақолада тарихчи, этнограф ва меъморларнинг илмий тадқиқотлари хронологик тарзда таҳлил қилинган. Бу тадқиқотлар асосан воҳа зиёратгоҳларининг пайдо бўлиши, уларнинг тарихий ривожланиши, диний обидалар билан боғлиқ терминлар таҳлил қилишга ҳамда меъморий ечимлари илмий асосланган ҳолда ёритишга бағишланган.

Калит сўзлар: меъморчилик, географик муҳит, археологик ёдгорлик, обида, қабристон, зиёратгоҳ, мақбара, авлиё.

Зайнаб Абидова,
Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии
Заведующий кафедрой «Общественных наук», PhD
email: zaynab_74_2011@mail.ru

ИСТОРИЧЕСКОЕ ФОРМИРОВАНИЕ И АРХИТЕКТУРНАЯ СТРУКТУРА МЕСТ ПАЛОМНИЧЕСТВА ХОРАЗМСКОГО ОАЗИСА

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена освещению влияния мифологического мира, мировоззрения и традиций местного населения, а также географическая среда на архитектурные решения и историческое становление мавзолеев в святынях Хорезма. Также в статье описаны географические отличия архитектуры Хорезма от архитектуры других регионов. В хронологическом порядке анализируются труды авторов, среди которых основное место занимают научные работы историков, этнографов и архитекторов. Эти исследования в

основном посвящены анализу возникновения мест паломничества, их исторического развития, терминологии, относящейся к культовым памятникам, и научному обоснованию их архитектурных решений.

Ключевые слова: архитектура, географическая среда, археологический памятник, монумент, кладбище, мест паломничества, мавзолеев, святой.

Zaynab Abidova,

Head of the Department of Social Sciences,
Urgench branch of the Tashkent Medical Academy, PhD
email: zaynab_74_2011@mail.ru

HISTORICAL FORMATION AND ARCHITECTURAL STRUCTURE OF THE PILGRIMAGE PLACES OF THE KHORAZM OASIS

ABSTRACT

The article is devoted to highlighting the influence of the mythological worldview and traditions of the local population, as well as the geographical environment on architectural solutions and the historical development of mausoleums in the pilgrimage places of Khorezm. The article also describes the geographical differences between the architecture of Khorezm and the architecture of other regions. The works of the authors are analyzed in chronological order, among which the main place is occupied by the scientific works of historians, ethnographers and architects. These studies are mainly devoted to the analysis of the emergence of places of pilgrimage, their historical development, terminology related to cult monuments, and the scientific substantiation of their architectural solutions.

Index Terms: architecture, geographical environment, archaeological site, monument, cemetery pilgrimage places, mausoleum, saint.

1. Долзарблиги:

Миллий қадриятларнинг ажралмас қисми бўлган моддий ва номоддий мерос, унинг ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятларининг тадқиқи ҳам соҳанинг ривожини таъминловчи муҳим омиллардан саналади. Ҳозирги кунда тарихий ва маданий ёдгорликларга янгича муносабат шаклланганлиги, моддий ва номоддий ёдгорликларни ўрганиш, меъморий обидаларни сақлаш, авайлаб асраш, бу жараёнда учрайдиган муаммоларни ўрганиш юзасидан кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб бориш тақозо этилмоқда. Шу нуқтаи назардан мақолада тадқиқ қилинаётган мавзу мамлакатимизнинг шимолий худудларидан ҳисобланган Хоразм воҳаси зиёратгоҳларининг тарихий ривожланиши ва меъморий ечимларини тадқиқ қилиш долзарблик касб этади. Республикаимизнинг бошқа худудлари сингари Хоразм меъморчилигида диний обидалар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай обидаларнинг асосий қисми Хива хонлиги даврида, хусусан, XIV-XIX асрларда қўлаб қурилган. Уларнинг аксарият қисмини маҳаллий меморчилик мактабларининг энг асосий ютуқларини мужассам этган шакл ва услубларда бунёд этилган масжидлар, мадрасалар, намозгоҳлар, хонақоҳлар, мақбаралар ва бошқа иншоотлар ташкил этади. Айниқса диний мазмунда қурилган обидалар орасида мақбаралар алоҳида аҳамиятга эгадир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолани ёритиш жараёнида тавсифийлик, тарихийлик, тарихий-қиёсий таҳлил, этнографик кузатув каби илмий тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилди.

Ҳаммамизга маълумки, зиёратгоҳлар, уларнинг меъморий ечими ва тарихий шаклланиши тўғрисидаги маълумотлар ва илмий адабиётларнинг асосий қисми шўролар даврида яратилган. Бу адабиётларда диний обидалар архелогик ва архитектура жиҳатидан тадқиқ қилинган. Хоразмдаги зиёратгоҳларнинг тарихини ўрганиш, архелогик ва меъморий жиҳатидан таҳлил қилишга Хоразм археология–этнография экспедициясининг роли ва унинг раҳбари С.П.Толстов, Г.П.Снесарев, санъатшунос Л.Ю.Манковская, В.Булатова, И.Ноткинлар ҳамда биринчи ўзбек археолог олими Я.Ф.Ғуломовларнинг хизматлари каттадир. Шунингдек,

меъморлар мустақиллик йилларида фаолият юритган Д.Нозилов, П.Зоҳидов ва Ш.Рейимбоевларнинг хизматларини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Юқоридаги тадқиқотлардан кўриниб турибдики, Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари меъморий ечими ва ўзига хослиги алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган ва шу асосда биз бу мавзунини ёритиштиришга ҳаракат қилдик.

3. Тадқиқот натижалари:

Хоразм воҳаси зиёратгоҳларидаги мақбаралар ва бошқа иншоотлар нодир архитектура ёдгорлиги ҳисобланиб, у халқ меъморчилигининг ўзига хос санъат ва меъморий асари сифатида зиёратчиларнинг муқаддас масканига айланган. Воҳадаги бу обидаларнинг баъзилари чет эл босқинчиларига қарши халқимиз озодлиги йўлда жон берган, тасаввуф намоянадалари номи билан боғлиқ ислом оламида машҳур бўлган тарихий шахслар, шунингдек, асосий қисми исломни тарқатиш мақсадида келган саҳобалар қадамжолари ва мақбаралари ҳисобланади. Мазкур обидаларни меъморчилик санъати ва халқ маданий мероси сифатида ўрганиш долзарблик касб этмоқда. Бу тарихий-меъморий обидаларнинг ривожланиши воҳада VII асрдан шаклланиб, XX асргача давом этган. Юқорида таъкидлаганидек, Хоразм зиёратгоҳлари, асосан, қабристонлар асосида вужудга келган бўлиб, вилоятда 500 га яқин қабристон бўлиб, маҳаллий аҳоли бу ерларни зиёрат объектига айлантирган. Шунингдек, вилоят бўйича 35 та республика ва вилоят тасарруфидаги зиёратгоҳ сифатида фаолият юритадиган муқаддас жойлар мавжуд.

Биз қуйида воҳадаги зиёратгоҳларнинг тарихий-меъморий шаклланишини кўриб чиқамиз.

VIII аср архитектурасига мансуб зиёратгоҳлар. Шайх Қосим Бобо мақбараси (VIII аср, Ҳазорасп). Мақбара 680–695 йиллар мобайнида қурилган, аммо бошқа ном билан юритилган. Ислом дини кириб келгач исломий анъаналар асосида, тахминан 760–770 йилларда қайта қурилиб Шайх Қосим номи билан атала бошлаган.

XII–XIV асрлар архитектурасига мансуб зиёратгоҳлар: Шайх Дарвеш Муҳаммад Амин (XIV аср, Ҳазорасп), Шайх Мухтор Валий (XIV аср, Янгиарик), Саид Аловуддин (XIV аср, Хива) [3; Б.74].

XV–XVIII асрлар архитектурасига мансуб зиёратгоҳларга Қирончи бобо (XV аср, Ҳазорасп) Музробшоҳ Хоразмий (XVI аср, Ҳазорасп), Шайх Шароф (XV аср, Кўҳна Урганч) мақбаралари, Иморат бобо мажмуаси. (XVI аср, Кўшкўпир), Уч Авлиё (1549), Юнусхон (1559), Саид Шафоат Азиз (1795, Хива), Усмон Саидбобо (XVI–XIX асрлар, Гурлан), Шоводихўжа Бобо (XVII–XVIII асрлар, Урганч), Оқ Шайх Бобо (XVII–XVIII асрлар, Хива), Жон Ҳорос Бобо (XVIII–XIX асрлар, Урганч), Ниясит Бобо (XVI–XIX асрлар, Шовот), Саид ота (XVIII аср, Ҳонқа), Обдал Бобо (XVI–XIX асрлар, Хива) ва Раҳмонқули Азиз (Танобли) (XVIII аср, Ҳазорасп) мақбаралари киради.

XIX–XX асрлар архитектурасига мансуб зиёратгоҳларга Шоҳи Мардон даҳмаси (XIX аср, Хива), Саид Моҳирўй Жаҳон (1884, Хива), Саъд Ибн Абу Ваққос (Питнак) мақбаралари, Дошқин Бобо комплекси (1827–1828, Урганч ш.), Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий (XIX аср. Боғот), Воянган бобо (XVI–XIX асрлар, Шовот), Ҳазрати Исмоил эшон, Шаҳид бобо, Шайх Ҳусайин, Ҳазрати Абул Маржон, Шоҳпир бобо (XVI–XIX асрлар, Ҳазорасп) ва Юсуф Ҳамадоний (XIX аср, Шовот) мақбараларидир. [3; Б.73]

Кейинги йилларда Республика ҳукумати томонидан маданий ёдгорликларни асрашга эътибор берилмоқда ва бу обидаларнинг катта қисми ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг умумжаҳон маданий мероси деб тан олинган. Улар Паҳлавон Маҳмуд, Саид Алловуддин, Саид Моҳирўй Жаҳон, Уч авлиё, Абдол бобо, Шоҳимардон, Шоҳ Қаландар бобо, Бикажон бика, Юсуф Ҳамадоний ва Шайх Мухтор Валий зиёратгоҳларидир [3; Б.73]. Ўтган даврлар мобайнида инсонларнинг масъулиятсизлиги туфайли юзага келган асоратлар баъзи тарихий обидалар деворларида ўз изини қолдирган. Ота-боболаримизнинг меъморчилик маданиятини гувоҳи бўлган бу обидаларни асраб-авайлаш зарур.

Хоразм воҳасидаги археологик жиҳатдан аҳамиятга молик зиёратгоҳлар. Хоразм воҳаси археологик ёдгорликлари ўзида жойлашган зиёратгоҳлар номи билан аталган. Бу эса

ёдгорликни пайдо бўлиш тарихи шу мазорда дафн этилган авлиё билан боғлиқ деб, маҳаллий халқ орасида “азиз жойларда азизлар ётади” деган қарашлар мавжуд. Хоразм воҳасида ҳозирги кунга қадар рўйхатга олинган 18 та археологик ёдгорликлардан 4 таси муқаддас жой ҳисобланади. Ушбу зиёратгоҳларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

1. I–VII асрларга мансуб археологик ёдгорликлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар. Оқ Шайх бобо (Хива), Шайх Қосим (Ҳазорасп).

2. VII–XII асрларга оид археологик ёдгорликлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар. Шайх Ҳасан Савроний мақбараси (Шовот), Остона қишлоғидаги қабристон (Янгиарик) [3; Б.74].

Хоразм меъморчилиги бошқа ҳудудлар меъморчилигидан географик жиҳатдан фарқланади. Чунки воҳада ёз жуда иссиқ, қиш эса совуқ бўлади. Бундай шароит меъморчиликнинг шаклланишига ўзига хос таъсир этган.

Меъморчиликда асосан маҳаллий материаллардан пахса, хом ғишт, синч (нигирик-Синчли деворнинг хоразмча атамаси.) [7; Б.41] кичик ҳажмдаги пишган ғишдан фойдаланганлар. Безатишда сопол қошинлар, ганчкорлик бошқа ҳудудларга нисбатан воҳада камрок, аммо ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган. Воҳа зиёратгоҳларининг кўпчилигидаги ёғоч устунлар ва эшиклар ўзига хос услубда ёғоч ўймакорлиги билан безатилган. Хоразмда тош ва ёғоч танқислиги боис қурилишда бу маҳсулотлардан кам фойдаланганлар. Тош фақат биноларнинг фундаментида, ёғоч устуни асосига, пойгоҳларга, зиналар ва ҳовузларга ишлатилган.

Воҳада азиз авлиёлар руҳига сажда қилиш жойларига “*мазор*” ибораси ишлатилмайди, чунки бу ибора воҳада қабр маъносини аниқлатади. Шу сабабли муқаддас жойларга нисбатан “*авлиё*” термини қўлланилиб, халқ орасида *қабристон* ёки *мазор* эмас, балки “*авлиё бобо*” деб, мақбараларга нисбатан “*гумбаз*” ёки “*бузрук*” (тожикча–бозорг буюк) термини қўлланилган [11; Б.34]. Воҳа мақбаралари географик ҳудуд, иқлим, исломий урф-одатлар асосида қурилган бўлиб, воҳа мақбаралари бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Табиий-географик шароитидан келиб чиққан ҳолда воҳада ер ости сувлари яқинлигидан гўрхоналар ертўлаларга туширилмаган. Мақбаралар гумбазлари бир қаватли, пештоқлар ечими, ички ва ташқи безаклари соддалиги билан ҳам бошқа ҳудуд мақбараларидан фарқланади. Фақат Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ўзининг ҳашамдорлиги билан бошқаларидан ажралиб туради.

Хива меъморчилигида Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудлардан фарқли равишда, наботот тасвирларидан иборат шакллар қора ранг билан чегараланган оқ бўёқларда ифодаланган, умумий муҳитнинг ранги эса ҳамма ерда мовийлигича сақланиб қолган” [3; Б.72].

Катта хоналар томини ёғочсиз ёпиш масаласини Марказий Осиё меъморлари гумбаз шаклида ечишган. Асосан, зиёратгоҳлар мақбаралари мурабба ((*квадрат*) *томонлари тенг тўғри бурчак*) [7; Б.39] тархли, гўрхона гумбази *мусамман (саккиз бурчакли) шаклида, зиёратхона чархи гумбаз (асоси доира гумбаз; давра гумбаз)*. [7; Б.65] билан қопланган. Мақбара ичкараси мураббаъ тархли, юза равоқлар ичи ва гумбаз ости белбоғлари муқарнас (*равоқли косачалардан устма–уст жойлашиб ташкил топган мураккаб шаклдаги безак тури*) [7; Б.40]. Мехроб, таҳмон ёки равоқларнинг тепа қисмини ярим гумбаз кўринишига келтиришда кенг фойдаланилади). Тўғри хошия тури шарофа деб аталади билан тўлдирилган. Баъзи мақбараларга 16 қиррали пойгумбаз устига баланд *кулоҳий (Кулоҳий гумбаз–кулоҳ (учли қалпоқ) шаклидаги гумбаз)* [7; Б.33] ёки *Туркистоний гумбаз* ўрнатилган бўлиб, бу меъморий услуб Хоразм меъморчилигига хосдир. XI–XIV асрларга оид мақбаралар, оддий безаксиз фақат пишган ғишдан ишланган гумбазлари ҳам кулоҳий шаклда бўлган (Шайх Муҳтор Валий, Нажмиддин Кубро, Фахриддин Розий). Гўрхонадаги қошинкор сағаналар (ўлчами 2x1,2м, баландлиги 1,25м) призмасимон шаклда бўлиб, ўз ҳашамати билан ажралиб туради. Воҳа зиёратгоҳларидаги кўпгина сағаналар *сиркор (Сир тортиб хумдонда пишитилган буюм(ғишт) сирти)* [7; Б.51] даҳма ҳисобланади. Сағана қирралари тўғри бурчакли намоёнларга бўлиниб, занжира хошиялари тўқ кўк асосга ишланган майда оқ ислими нақш билан қопланган (Паҳлавон Маҳмуд, Сайид Аловуддин). Зиёратхона гўрхонага нисбатан икки баробар кенг бўлади. Кўпчилик мажмуа сифатида қурилган зиёратгоҳларда айвон мавжуд

бўлиб, у ер қатор ёғоч устунлар билан безатилган. Хонақоҳлар тўрт томондан *тободон* (*Эшик дераза тепасидаги кичик дарча*) [7;Б.54] орқали ёритилади. Тободонларга ганчкори панжаралар ўрнатилган. Макбараларнинг шифт ва ички қисми ганч билан сувалган. Барча макбараларда ёғочга гул ўйиб ишланган эшиклари мавжуд [6; Б.95]. Даҳманинг безатилиши ва кошинкорлик услуги билан Қўҳна Урганч усталари қурган макбаралар алоҳида ажралиб турган. Масалан, “Мусулмонлар шарқида энг гўзал сиркор даҳма Нажмиддин Кубро (XIV аср) ҳамда Миздақхондаги Мазлум Сулув (XVI аср) макбарасидаги даҳма ҳисобланади ” [5; Б.20].

XVI – XVII асрларда меъмориликда янги усуллар ва шакллар пайдо бўла бошлади. Обидалар ажойиб безак ва нақшлар билан пардозланди. Шунингдек, гумбазлар кўк рангдаги сирли кошинлар билан қопланиши жиҳатидан ажралиб туради.

Меъморий ёдгорликнинг асоси бўлган зиёратгоҳлар шаҳарларнинг меъморий кифасини белгилаб берган. *Зиёратгоҳлар - қабристон, мақбара, даҳма, хазира* каби жойларни ўз ичига олади [6; Б.97, 99].

Азиз-авлиёнинг машхурлигига қараб унинг макбараси кенгайиб борган, бино белгиланган вазифани бажарувчи хоналардан ташкил топган. *Тиллахона–даҳма (қабр устига ўрнатилган ёдгорлик, сағана, мақбара)*. [7;Б.23] га кириш жойи, зиёратхона – *мақбара* (қабр) олдига махсус зиёрат учун мўлжаллаб қурилган хона (Йирик авлиёлар, уламолар, хон ва амалдорлар, афсонавий шахсларнинг қабрлари устига қурилган мемориал бино – мавзолейдир). [7; Б.27,70] бўлиб йирик авлиёлар, уламолар, ислом динининг пешволари, хон ва амалдорлар, афсонавий шахсларнинг қабрлари устига қурилган иншоатдир. Исломнинг дастлабки даврларида қабр устига турли бинолар қуриш тақиқланган эди, кейинчалик бу нарсга рухсат берилди ва бундай жойлар муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди [12; Б.267], *қорихона* – қорилар Қуръон тиловат қиладиган жой, *масжид* -зиёратчилар намоз вақтида Аллоҳга илтижо қиладиган жой, *ошхона* – овқат тайёрлайдиган жой. Баъзи макбараларда *зикрхона-масжид*, *хонақоҳлар* (*Хонақоҳ – 1)Гумбазли катта бино, хона. 2) Масжиднинг кенг ва катта хонаси. 3) Хонақоҳларда зиёратчилар учун жамоатхоналар ва хужралар ҳам шундай аталади*) [7; Б.59.] да ҳамма йиғилиб зикр тушадиган катта хоналар [7; Б.27.] ҳам мавжуд бўлган.

Қорихоналар – ҳам жамоат жойлари сифатида махсус хонақоҳлар ва марҳум қабри ёнига қурилган. Уларда ўлган киши руҳига бағишлаб оятлар ўқишга ёлланган қорилар ибодат қилишган[6; Б.199].

Қаландархоналар – Хива ва Ҳазорасп шаҳарларида жаҳонгашта сайёҳлар – қаландарлар учун махсус қаландархоналар бўлган. Ҳовлида қаландарлардан ташқари гадойлар, тиланчилар, майиб-мажрух, бечоралар ҳам истиқомат қилишган[6; Б.100].

*Хонақоҳлар*ларнинг вужудга келиш тарихи ҳақида файласуф Нажмиддин Комилов “Тасаввуф” асарида келтирилишича тасаввуф илми намоёндалари билан боғлиқ бўлиб, сўфиларниг йиғиладиган ва тоат ибодат қиладиган жойи ҳисобланган. Хонақоҳлар вазифасини *работ*, *такия* ва *завия* каби иморатлар бажарган[10; Б.36.]. Хонақоҳлар жоме масжидлари, макбаралари, оилавий қабрлар яқинига қурилган. Чунончи, Саид Аловуддин, Паҳлавон Маҳмуд макбараларида хонақоҳлар бўлган, уларда овоз чиқариб ёки сукут сақлаган тарзда зикр тушилган, ўтганлар руҳига Қуръони карим оятларидан ўқилган, улуғлар хотирланган[10; Б.36.] (Саид ота, Ҳонқа, Ҳазораспдаги Қосим шайх бобо, Исмоил Эшон бобо, Шоббоздаги Шоҳ Аббос Валий макбараси, Султон Увайс бобо макбараси, Кечирмас бобо макбараси, Дошқинжон бобо).

Архитектура жиҳатдан *мажмуа* (*Аансамбль– маълум бир режа асосда ўзаро мутаносиб қурилган бинолар*) [7; Б.36.] (комплекс) сифатида қурилган зиёратгоҳларга Паҳлавон Маҳмуд, Саид Моҳирўйи Жаҳон, Тўрт Шаббоз ва Бикажон бика (Хива), Исмоил эшон (Ҳазорасп), Дошқинжон бобо (Урганч ш.), Саид ота (Хонқа) ва Иморат бобо (Кўшкўпир) киради. Бу зиёратгоҳлар масжид, баъзиларида минора ва хонақоҳдан ташкил топган.

Хоразм воҳаси зиёратгоҳларининг асосий қисми архитектура жиҳатидан аҳамиятга моликдир. Вилоят бўйича 134 дан ортиқ архитектура ва 18 та археологик ёдгорлик бўлса,

уларнинг асосий қисми зиёратгоҳлар ва мақбаралардир. Шу сабабдан муқаддас зиёратгоҳларнинг тадрижий ҳолатини тасниф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Архитектура жиҳатдан аҳамиятга молик зиёратгоҳлар. Хоразм воҳасидаги мавжуд меъморий обидалар ичида Саид Алловуддин, Паҳлавон Маҳмуд, Уч авлиё бобо, Авлиё Абдолбобо ва Харисбобо (Хива), Шайх Мухтор Валий, Остона бобо (Янгиариқ), Усмон Саид (Гурлан), Хўрозшайх бобо, Дошқинжон бобо, Шаҳобуддин Хўжа бобо (Урганч) каби зиёратгоҳлар алоҳида ўрин тутади [8; Б.79-82.]. Чунончи, воҳанинг қадимий шаҳарлари Хива, Ҳазорасп, Ҳонқа ва Янгиариқ туманларидаги XVIII аср охири – XX аср бошларига мансуб бўлган масжидларнинг асосий қисми ҳам айнан муқаддас жойлар асосида бунёд этилган. Шунинг учун ҳам муқаддас зиёратгоҳларни ўрганиш бир вақтнинг ўзида меъморий обидалар тарихини тадқиқ этишда яқиндан ёрдам беради. Шу билан бир қаторда халқимизнинг кўп асрлик эътиқодий қараш, урф-одат ва анъаналари ҳамда моддий маданияти намуналарини ўзида сақлаб келаётган зиёратгоҳлар меъморчиликнинг асрий ва анъанавий жиҳатларини ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам кейинги давр меъморчилиги учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Архитектура жиҳатидан аҳамиятга молик зиёратгоҳларни воҳада қурилиш услуби жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Бир хонали пештоқсиз бинолар – Ниёситбобо, Қул Авлиё бобо, Шайх Хасан Сурёний (Шовот) мақбаралари шулар жумласидандир.

2. Бир хонали пештоқ, гумбазли бинолар – Валиёнбобо (Шовот), Абдолбобо, Харисбобо, Уч Авлиё ва Паҳлавон Маҳмуд мақбаралари (Хива), Шаҳобуддин Хўжа бобо (Урганч тум.).

3. Кўп хонали бинолар – Юнусхон мақбараси (Хива) ва Хўрозшайх бобо (Урганч тум) мақбаралари умумий тўртбурчакка кетма-кет жойлашган икки хонадан иборат бўлса, Остона бобо (Янгиариқ) ҳамда Усмон Саййид бобо (Гурлан) мақбаралари тўртбурчак саҳнага жойлашган, олди пештоқли, гумбазли хона ва уларнинг ортида шу кенгликни бўлиб турувчи икки хонали иморатдан иборат [8; Б.79-80.].

Зиёратгоҳларнинг археологик ёдгорликларда мавжудлиги, уларни маҳаллий аҳоли томонидан азиз-авлиёлар яшаб ўтган жой сифатида қарашлари муқаддас жойларни сақланиб қолиши учун асос бўлган. Шунингдек, мақбараларнинг сақланиб қолишига мусулмон давлатларида босқинчиларни мазор ва мақбараларни вайрон қилишдан қўрқуви ҳам сабаб бўлган. Улар фақат об-ҳаво, ёғингарчилик, намгарчилик ва қаровсизликдан бузилган [9; Б.35.].

Маълумки, советлар ҳукмронлиги йилларида атеизм байроғи остида Республикаимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби воҳада ҳам асрлар давомида сақланиб келган бир қанча тарихий обидалар, даҳмалар, масжид, мадрасалар ва маърифат масканлари ўйламай нетмай бузиб ташланди. Яқсон қилинган масжид, мадрасалар ва мақбаралар билан бир қаторда халқнинг тарихи, маҳаллий меъморчилик ва маданияти вайрон қилинди. Хоразм меъморчилигида диний алламолар шарафига бунёд этилган обидаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш бугунги кунда олимларимиз олдида турган долзарб ва ҳали тўлиқ ўрганилмаган соҳалардан биридир. Шу сабабли уларни асраш, меъморий тузилишини ва тарихини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Шуниси эътиборга моликки, мазкур ёдгорликлар Буюк Ипак йўли шаҳарлари ҳудудида жойлашганлиги ҳам ўз навбатида аҳоли яшаш пунктларида кейинги зиёратгоҳларни пайдо бўлиши учун муҳим роль ўйнаган [1; Б.108.].

4.Хулоса:

Хуллас, воҳадаги муқаддас жойларнинг пайдо бўлишига маҳаллий халқнинг мифологик олами, дунёқараш ва анъаналари ҳамда географик муҳит ўз таъсирини ўтказиб турган. Хоразм воҳасида бугунги кунгача мавжуд бўлган осори атиқалар, анъаналар ва маросимлар қадим-қадимдан юртимизда қудратли давлат ва унинг марказий обод шаҳарлари ва бутун мусулмон дунёсига машҳур бўлган зиёратгоҳлари мавжуд бўлгани, деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Кейинги йилларда буюк шахсларнинг хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуалари жамият маънавиятини юксалтиришга, миллий онг ва миллий ғурурни кўтаришга, ҳамда халқимиз, айниқса ёшлар онгида ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришга ҳамда уларда ўтмиш кадриятларимизга бўлган чексиз хурмат ҳиссини уйғотишга хизмат қилмоқда.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Абдулаҳатов Н. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида зиёратнинг ўрни (Фарғона вилояти зиёратгоҳлари мисолида): Тарих фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 2008. – 152 varaқ. Abdulahatov N. The role of pilgrimage in the lifestyle of residents of the Fergana Valley (on the example of the shrines of the Fergana region): Candidate of History Diss. – Tashkent, 2008. - 152 pages.
2. Абдурасулов А., Абидова З. Хоразм қадамжолари ва зиёратгоҳлари. Тошкент, 2016. 100 б (Abdurasulov A., Abidova Z. Pilgrimages and shrines of Khorezm. – Tashkent, 2016. 100 p)
3. Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (тарихий-этнологик тадқиқот): тар. ф. ф. д. учун дисс //Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2018. –174 varaқ. (Abidova Z. Pilgrims and shrines of the Khorezm oasis (historical-ethnological research): translation. f. f. d. diss for //Thesis written for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in History. – Tashkent, 2018. -174 pages).
4. Абидова З. Ҳазарати Шайх Мухтор Валий зиёратгоҳи. “Имом ал-Бухорий сабоқлари”. – 2017, №2. – Б.40-42. (Abidova Z. Shrine of Hazarati Sheikh Mukhtar Vali. "Lessons of Imam al-Bukhari". – 2017, №2. - B.40-42.)
5. Булатова В. Ноткин И. Архитектурные памятники Хивы. – Ташкент: Узбекистан, 1972. – 92 с. (Bulatova V. Notkin I. Khivy is an architectural monument. – Tashkent: Uzbekistan, 1972. - 92)
6. Рейимбаев Ш. Хоразм шаҳарларининг XX аср охири – XX аср бошларидаги архитектуравий ва тархий тизими: Архитектура фан.ном. дисс... – Тошкент, 2005. – 122 varaқ. (Reyimbaev Sh. Architectural and historical system of the cities of Khorezm at the end of the 20th century - the beginning of the 20th century: Architecture science nom. diss... – Tashkent, 2005. - 122 pages.)
7. Зоҳидов П. Меъмор олами. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – 240 б. (Zohidov P. The world of the architect. – Tashkent: Komuslar General Editorial Office, 1996. - 240 p.)
8. Маньковская Л., Булатова В. Булатова В. Памятники зодчества Хорезма. – Ташкент: Гафур Гулям, 1978. – 192 с. (Mankovskaya L., Bulatova V. Bulatova V. Pamyatniki zodchestva Khorezma. – Tashkent: Gafur Gulyam, 1978. - 192 p.)
9. Машарипова С. Амударё қўйи оқими минтақаси халқ меморчилиги (Қадимий Хўжайли шаҳри мисолида): Архитектура фан.ном. дисс... –Тошкент, 2004. – 119 varaқ. (Masharipova S. People's memory of the Amudarya downstream region (in the case of the ancient city of Khojaly): Architecture science.nom. diss... -Tashkent, 2004. - 119 pages.)
10. Нозилов Д. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. – Тошкент: Фан, 2005. – 216 б. (Nozilov D. Interior in Central Asian architecture. – Tashkent: Science, 2005. - 216 p.)
11. Снесарев Г. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983– 213 с. (Snesarev G. Khorezmskie legendy kak istochnik po istorii religioznykh kultov Sredney Azii. – М.: Nauka, 1983- 213 p.)
12. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – 369 с. (Snesarev G.P. Relikty domusulmanskikh verovaniy i obryadov u uzbekov Khorezma. – М.: Nauka, 1969. – 369 p.)

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000